


ИШЛАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНИСТИТУТИ

90 йил

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ПИЛЛА ХОМАШЁСИ
ЕТИШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРОИЗВОДСТВА КАЧЕСТВЕННОГО И
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОГО КОКОННОГО СЫРЬЯ

ACTUAL PROBLEMS OF PRODUCTION OF QUALITY AND COMPETITIVE
RAW MATERIALS COCOON



УЎРАДЧИ

ЎЗБЕКИСТОН

ТОҒКЕН



ЎЗБЕКИСТОН



Ўзбекистон Кишлоқ ҳўжалиги Илмий
Ишлаб чиқариш Маркази



Ўзбекистон Республикаси фан ва
техника тармоқлари агентлиги

ТУТ ИПАК ҚУРТЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ ДАВРИДА БЕРИЛАДИГАН ОЗУҚА МИҚДОРИ ВА ҲАВО ҲАРОРАТИ ЎЗГАРИШИНИ ЛИЧИНКАЛАРНИНГ ТАНА КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ч.И.Беккамов - Ипакчилик ва тутчилик кафедраси мудир, доцент,
М.Х.Бобомуродов - Ипакчилик ва тутчилик кафедраси ассистенти,
Ш.М.Маманазарова, Қ.Б.Дармонкулов, ТошДАУ магистрлари.

Ер юзида ҳаёт кечираётган барча ҳайвонлар каторида ҳашоратлар синфига кирувчи ипак куртларнинг ҳаёт фаолияти ва ривожланиши табиқ муҳит омиллари (ҳарорат, намлик, ёруғлик, ҳаво алмашиниши, озика озикланиш майдони) билан узвий кўринишда чамбарчас боғлиқ. Борада муҳит омилларини бирортаси меъеридан ортик ёки паст бўлиши ипак куртларини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, натижада личинкаларни тухумдан чиқишидаги жонланиш фоизи, ҳаётчанлиги пасайиши, тана кўрсаткичларини ўзгариши, куртлик даврини чўзилиши ва пилла ҳосилдорлигини камайишига олиб келади.

Шундай экан, қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг ирсиятга мужассам бўлган юқори маҳсулдорлик хусусиятларини рўёбга чиқаришда муҳим омиллардан озиканинг аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Бирок бу ҳаётини жараёнлар хонакилаштирилган уй ҳайвонлар турли-туман озукалар билан таъминланиши туфайли уларнинг оксиген карбон сув, витамин ва бошқа моддаларга бўлган талабни қондириши енгилроқ бўлади. Бу ҳолат аксинча, (монофаг) бир хил озика билан озикланувчилар каби тут ипак куртларида фақат тут барги билан озикланганлиги сабабли унинг озикага бўлган барча биологик ва физиологик талабларини қондириш анча қийинчилик келтиришига олиб чиқаради.

Чунки, Республикамизни вилоят ва туманлар кесимидаги ҳудудларда мавжуд тут навлари, агротехникавий парвариш даражасидаги тутзорлардан фойдаланиш усуллари бўйича фарқланади, бу навларнинг баргларининг биокимёвий таркиби ва ҳосилдорлигига таъсирини ўтказмай қолмайди. Демак, ҳозирги кунда республикамиз ферма ва ҳўжаликларида ипак куртларнинг янги зот ва дурагайлари боқилмоқда. Янги сермахсул зот ва дурагайлар учун бир кути (19 гр) ипак куртларига сарф бўладиган тут бариги миқдори агротехника қондасига асосан 100-150 килограмм қилиб белгиланган. Аммо, ишлаб чиқариш шароитида, бу ипак куртларнинг қишлоқ аҳолиси хонадонларида боқиш даврида қўйиб боқувчи звенолар томонидан бу меъёрларга эътибор бермаётганлиги

кўп ҳолларда барг танқислиги рўй бериб парвариш-личинкаларнинг ўсиши, ривожланиши ва тана кўрсаткичлари таъсир этиш кузатилади. Шунинг учун ушбу муаммоли бўйича озиқа миқдорини парваришлаётган личинкалари ўсиши, кўрсаткичлари ва қуртлик даврини чўзилишига қандай таъсир асосида биологик кўрсаткичлари ўрганилди. Бу бўйича илмий таъқиқот ишимиз 6 вариантлаги тажриба кўринишда ташкил этилди ва унда 1-4 чи вариантда личинкалар тўлақонли равишда (100%) яъни 1 кг озиқага 1000 кг ҳисобидан тут бариғи билан таъминланди. Кейинги 2-5 чи вариантларда личинкалар меъёрнинг 75% (750 кг), 3-6 чи вариантдаги личинкаларга меъёрнинг 50% (500 кг) озуқа берилиши орқали таъқиқотларимизни олиб бордик ва бу бўйича олинган маълумотларда таъқиқотладиган озуқани меъёридан ўзгаришини личинкаларни қуртлик даври мобайнида тана кўрсаткичларини ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалда изоҳлаб ўтамиз.

1-жадвал

Вариантлар	Личинкаларга берилган озиқа миқдори, %	Личинкаларнинг тана кўрсаткичлари					
		Оғирлиги, мг			Ҳажми, см ³		
		тухумдан жонланганда	пилла ўраш олдидан	неча марта катталашади	тухумдан жонланганда	пилла ўраш олдидан	неча марта катталашади
Ипакчи-1 зотида							
В-1	100	0,41	4500	10976	0,007	4,30	6143
В-2	75	0,41	4010	9780	0,007	4,02	5743
В-3	50	0,41	3690	9010	0,007	3,70	5286
Ипакчи-2 зотида							
В-4	100	0,42	4600	10952	0,007	4,35	6214
В-5	75	0,42	4140	9857	0,007	4,05	5785
В-6	50	0,42	3790	9024	0,007	3,75	5357

Дархақиқат, жадвалда келтирилган рақамлар шундан далолат берадики, личинкаларни ривожланиши ва тана кўрсаткичларини меъёрида бўлишлиги бериладиган озиқа миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ экан, масалан, личинкаларни меъёрида озиқлантирганда бериладиган озиқа миқдори тухумдан жонланганда личинканинг оғирлиги пилла ўраш олдида 4500-4600 мг ни ташкил этган бўлса, берилган озиқа миқдори 75% га туширилганда бериладиган озиқа миқдори кўрсаткич 4010-4140 мг, озуқа миқдори 50 % гача камайтирилганда бериладиган озиқа миқдори кўрсаткич 3690-3790 мг га тенг бўлиб, меъёрида озиқлантирилган личинкаларнинг тана оғирлиги ва ҳажмига нисбатан 810 мг кам бўлиши кузатилди.

Бошқача айтганда, бериладиган озуқани етишмаганлиги натижада личинкаларни оғирлиги 18-20 % га камайиб нимжонлашиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда тажрибамиздаги навбатдаги йўналишни ипак куртларини боқиш даврида куртхонадаги ҳароратни меъёридан кескин ўзгаришини личинкаларнинг ёшлари байнида ривожланишида тана оғирлиги ва ҳажмини ўзгаришига баъзан баъзи бўлган биологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга қаратдик.

2-жадвал

Вариантлар	Личинкаларга берилган озиқа миқдори, %	Личинкаларнинг тана кўрсаткичлари					
		оғирлиги, мг			ҳажми, см ³		
		тухумдан жонланганда	пилла ўраш олдида	неча марта катталашади	тухумдан жонланганда	пилла ўраш олдида	неча марта катталашади
Ипакчи-1 зотида							
В-1	25-26	0,41	4500	10976	0,007	4,30	6140
В-2	20-21	0,41	4205	10256	0,007	4,15	5929
В-3	28-29	0,41	4020	9805	0,007	4,00	5714
Ипакчи-2 зотида							

	0,42	4600	10952	0,007	4,35	6214
21	0,42	4280	10439	0,007	4,18	5971
28-29	0,42	4090	9976	0,007	4,05	5786

Ушбу жадвалдаги маълумотлар юқоридаги фикримизни икклаб, ипак куртларининг меъёрида ўсиши ва ривожланиши хонадаги ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, унинг меъёридан паст ёки юқори бўлиши личинкаларнинг тана кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

Бинобарин ипак куртларини боқиш даврида куртхонадаги ҳаво ҳарорати мўътадил бўлса, личинкалар яхши ривожланиб пилла ўрашдан уларнинг оғирлиги 450-4600 мг, ҳажми эса 4.30-4.35 см³ ни ташкил этиб, куртлик даврида катталашган бўлса, ҳарорат меъёридан паст бўлганда бу кўрсаткичлар 4205-4280 мг, ҳажми 4.15-4.18 см³ га кам бўлиб, оғирлиги 10256-10439 марта ҳажми 5929-5971 марта катталашган.

Натижада, личинкаларнинг оғирлиги 295-320 мг, ҳажми 0.15-0.17 см³ га камайиб тананинг ўсиши 537-696 марта кам катталашганлигини кўрсатиши мумкин. Ундан ташқари куртхонадаги ҳарорат меъёридан паст бўлганда парваришланаётган личинкалар меъёрида ривожланаётган тана оғирлиги мўътадил ҳароратда ривожланган личинкаларнинг оғирлигига қараганда 480-510 мг, ҳажми 0.30 см³ га кам бўлиб, тана оғирлигини катталатиши эса 976-1171 марта, ҳажми 428-429 марта кам бўлиши маълум бўлди.

